

## Олий Мажлис VIII сессияси олдидан

**Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлари фракцияси раҳбари:**

# «САЙЛОВ — МАВСУМИЙ ВАЗИФА ЭМАС»

***1. Сиз етакчилик қилаётган партия янги парламентга бўладиган сайловларга қандай тайёргарлик кўради? Ёхуд эски тажриба бу гал ҳам қўл келади, деб ҳисоблайсизми?***
***2. Аксарият сиёсий партиялар 1999 йилдаги маҳаллий Кенгашларга бўлган сайловга унчалик эътибор қаратишмаганди. Давлатимиз раҳбарининг қатор чиқишларидан шуни англаш мумкинки, янги парламентнинг юқори палатаси эндиликда айнан маҳаллий Кенгаш депутатлари орасидан сайланиши кутилмоқда. Қолаверса, таркиб топган халқаро тажрибадан шу нарса маълумки, юқори палата сиёсий партиялар вакилларидан таркиб топадиган қуйи палата тайёрлаган қонунларни маъқуллайди ёки инкор қилади...***

1. Бизнинг партиямиз мустақиллик меваси. У борйўғи энди етти ёшга тўлди. Ёдингизда бўлса, партиямиз илк бор 1999 йилда бўлиб ўтган сайловларда иштирок этган эди. Алоҳида «илк бор» деб урғу бераётганимнинг боиси бор. Биз учун ўтган сайловлар ҳақиқий тажриба мактаби бўлди, дейиш мумкин. Чунки бундай сайловларда биринчи маротаба ҳали ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган ҳолда қатнашдик. Шундай бўлса-да, кўрсатган номзодларимиз ҳақиқий демократик руҳда кураш олиб борди. Олий Мажлисга 156 нафар номзод, маҳаллий Кенгашларга эса 60 нафар партиямиз аъзоси тавсия этилди. Шундан парламентга 11 нафар киши сайланди. Маҳаллий Кенгашларга эса 22 киши депутатлик мақомини қўлга киритди. Бу, бизнингча, ҳар ҳолда ёмон натижа эмас.

Табиийки, кейинги бўладиган сайловларга партиямиз яхши тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу сиёсий тадбирга тайёргарлик кўраётганимиз ҳам бежиз эмас. Негаки, бунга мавсумий вазифа сифатида қараб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ номзодларни мўлжаллаяпмиз. Уларни ҳар томонлама ўрганиб чиқаяпмиз. Парламентнинг икки палатали бўлиши сиёсий партияларнинг фаоллигини оширади, албатта. Айнан мана шу сиёсий партиялар парламент таркибига, уни ташкил этиш шаклига ҳамда фаолият юритиш усулларига таъсир ўтказади. Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, қуйи палатада доимий профессионал асосда ишловчи турли сиёсий партияларнинг вакиллари ишлаши мумкин бўлади. Демак, қуйи палата ҳокимият вакилларидан бутунлай холи бўлади. Унинг шаклланишини сиёсий партияларнинг ўзлари амалга оширади.

Бизнинг партиямиз аввалги сайлов натижаларидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олган. Бу ҳақда биз партиянинг ўтган пленумларида, Сиёсий Кенгаш йиғилишларида кўп тўхталганмиз, сайлов натижаларини ҳар томонлама чуқур, кенг муҳокама қилганмиз. Тўғри, ҳали тажрибамиз етарли бўлмаганлиги учун бу борада баъзи камчиликларга йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам «Фидокорлар» ва ХДПга нисбатан парламентдан кам ўрин олдик...

Маълумки, партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун унинг аъзолари сиёсий тизимда, аниқроғи парламентда кўпроқ ўринларни эгаллаши лозим бўлади. Бу кўппартиявийлилик тизимининг асосий хусусиятидир. Шунинг учун биз бўлажак сайловларда янада фаол иштирок этиш ва иложи борича парламентдан кўпроқ ўрин олишга интиламиз. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, ўша сиз айтаётган эски тажрибанинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун қўл келиши ёки келмаслиги тўғрисида гап бўлиши мумкин ҳам эмас. Янги сайловларга асосан янгича ёндошиш ниятидамиз.

2. Саволингиз ўринли. Ҳақиқатан ҳам 1999 йилги сайловда социал-демократик партияси бор куч ва имкониятини Олий Мажлисдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун сарфлаган эди. Тажриба камроқ бўлдими партиямиз Сиёсий Кенгаши ҳам маҳаллий Кенгаш депутатлиги учун бўлган сайловга у даражада эътибор қарата олмади. Шу боис бошқа сиёсий партияларга қараганда, биздан маҳаллий Кенгашларга нисбатан кам депутат сайланди. Аммо бу партиямизни навбатдаги сайловларда маҳаллий Кенгаш депутатлиги учун бўлажак сиёсий тадбирга эътибор қаратмайди дегани эмас. Такрор бўлса-да, яна айтаман, биз олдинги сайловлардан ўзимиз учун катта сабоқ чиқардик. Хулоса қилдик. Тажриба орттирдик. Энди парламентга ҳам, маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларга ҳам бир хилда муносабатда бўламиз.

Ишончим комилки, кутилаётган ўзгаришлар мамлакатимиз равнақи ва истиқболига хизмат қилади. Негаки, икки палатали парламент қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий ва мукаммал воситасига айланган.

Ўз пайтида давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг бўлажак икки палаталик парламенти тузилиши ҳақида сўз юритиб, унинг қуйи палатаси — қонун чиқарувчи палата бўлиб, фақат доимий асосда ишловчи депутатлардан таркиб топишини, яъни умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган профессионал депутатлардан иборат бўлишини таъкидлаган эдилар. Бу палатада ҳар бир депутат тенг миқдордаги сайловчиларнинг вакили сифатида иш кўради. Мазкур палатанинг асосий ваколатлари қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишдан иборат бўлиши назарда тутилмоқда.

Юқори палата энг аввало, ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади. Шу сабабли уни шакллантириш ва фаолият кўрсатиш тартиби ҳам бирмунча бошқачароқ бўлади, деб мўлжалланмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири
Фурқат САНАЕВ
суҳбатлашди.**

---

**Иброҳим ҒАФУРОВ,
«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлари фракцияси раҳбари:**

# СИНОВ ОЛДИДАН

1. Бир қарашда, бу гапга ҳали анча вақт борга ўхшаб кўринади. Лекин сайловга тайёргарлик кўриш шундай масалаки, унга ҳеч қачон ҳали эрта деб бўлмайди. Чунки сиёсий партия доим сайлов тайёргарлигини кўради, доим сайлов тадориги билан нафас олади, сайловга тайёргарлик ичида яшайди. Сайлов, унга тайёргарлик, унда ўз вакилларининг муваффақиятли иштироки, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан салмоқли ўринларни ишғол этиш ҳар қандай жиддий сиёсий партиянинг энг биринчи даражали мақсадига киради.

Сиёсий партия фаолиятининг мезони, кўрсаткичи ҳам даставвал сайловда қандай натижаларга эришганлиги билан ўлчанади. Натижага эришиш эса, айниқса, сиёсий фаолият майдонларида ҳамиша ҳам осон эмас. Сайлов, таъбир жоиз бўлса, сиёсий партиянинг борлиғи, ҳаёт-мамоти. Партия фаолиятининг бутун катта-кичик қирралари, унинг ижтимоий-сиёсий соҳаларда нималарга қодирлиги сайловда, айтиш мумкинки, тўла синовдан ўтади. Сиёсий ташкилот сифатида у илгари сураётган ғоялар, ўзгариш ва тараққиёт дастурлари, концепцияларининг кучи, қанчалар ҳаётийлиги, сайловчиларнинг манфаатларини қай даража, қай ҳажм, қай тарзда акс эттириши, жамоатга таъсир кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологиялари барчаси сайлов жараёнида қанчалар оқланган ёки оқланмаганлигини намойиш этади.

Ўзбекистон халқи шу йил 27 январда ўтган референдумда ҳокимиятимиз олий органининг келгуси чақириқдан эътиборан икки палатали бўлиши учун асосий кўпчилик бўлиб ёқлаб овоз берди.

Жамоатчилик ўртасида, матбуотда, йиғинларда кенг ва ошкора тарзда баён этилаётган фикр-мулоҳазалар, ўртага ташланаётган ранг-баранг таклифларда олий органнинг қуйи палатаси сиёсий партияларнинг вакилларидан сайланадиган депутатлардан иборат бўлиши ва қуйи палата доимий асосда тўла профессионал равишда фаолият юритиши, депутатлар қонун чиқарувчилик билан мунтазам суратда машғул бўлишлари кўзда тутилмоқда. Уларда жаҳон парламентчилик амалиётининг бой тажрибалари ҳам ҳисобга олинмоқда.

Қолаверса, юқори палатанинг ўзи ҳам партияларнинг вакилларидан холи бўлмайди, албатта. Чунки юқори палата ҳар вилоятдан маълум миқдорда маҳаллий кенгашлар томонидан кўрсатиладиган вакиллардан ташкил топади. Улар, гарчи доимий асосда парламентда ишламасалар-да, вақти-вақти билан йиғилиб, қуйи палата чиқарган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни назоратдан ўтказадилар ва тасдиқлаб, ҳаётга йўлланма берадилар. Маҳаллий кенгашларнинг вакиллари ҳам аксари сиёсий партияларнинг кўрсатган номзодларидан сайланадилар.

Бундай демократик жараёнларда, кўриниб турибдики, сиёсий партияларнинг нуфузи, парламентни ва у орқали ҳукумат органларини шакллантиришдаги роли ва таъсири ортади.

Сиёсий партияларнинг елкасига жуда катта масъулият тушади.Шу каби вазифа ҳамда масъулият залворини дадил кўтариш, юксак савияда адо этиш учун партиялар сезиларли куч ва молиявий салоҳиятга эга бўлишлари талаб этилади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни етарли даражада ташкил қилишнинг зарурати шундай.

Сайловда муваффақият қозонишнинг гарови сафларнинг жипслиги, ҳаёт ҳамда халқ ичидаги таянчлар — бошланғич ташкилотларнинг мустаҳкамлиги ва ижтимоий ҳаракатларга қобиллиги.

Шунинг учун ҳозир биз сайловни кўзлаган ҳолда сафларимизни муносиб кишилар билан тўлдириш, кенгайтиришга асосий эътиборимизни қаратмоқдамиз. Партияларнинг эътибори ортган сари уларнинг қаторига қобил шахсларнинг келиб қўшилиши анча жонланади. Яқинда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бир қатор етакчилари — фракция аъзоларининг Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани қурилиш коллежи ўқитувчилари, ўқувчилари билан бўлган жонли мулоқотларга бой учрашувимизда шу коллежнинг 150 талабаси ва ўқитувчилари партиямиз сафига кириш истагини билдирдилар. 20 дан ортиқ киши «Миллий тикланиш» газетасига ёзилиш хоҳишини баён этди. Тошкент вилояти, Фарғона, Андижонда бўлаётган учрашувларимизда ҳам шундай истак ва хоҳишлар изҳор қилинмоқда. Миллий тикланиш ғоялари — кучли ғоялар ва ҳаётчан ғоялар. Лекин улар замоннинг тушунган, билган, эътиқодли кишилари билангина янада кучли бўлади ва жамиятда амалий аҳамият касб этади. Сайловда ҳам одамларни эргаштира оладиган, ишонтира оладиган, ўз салоҳиятларини реал ҳаёт жабҳаларида кўрсата оладиган кишиларгина ғалабага яқин бўладилар. Ғоя ҳамма вақт қоғозда эмас, жонли шахснинг юрагидан ўрин олганда ва ундан нурланиб таралгандагина куч-қудрат касб этади. Сайловга тайёргарликда партиямизнинг тарғибот-ташвиқот имкониятларини кенгайтириш, таъсирчанлигини ошириш ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга.

2. Ҳақиқатан ҳам, 1999 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловда бизнинг партиямиз ўша пайтда кучлари етарли эмаслигиданми ва ёки тажрибасизлигиданми, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига етарлича вакилларини кўрсата олмади. Ҳатто айрим ҳолларда округ сайлов комиссияларига қонунда назарда тутилган муддатда сайловда қатнашиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳам кечикдик. Натижада маҳаллий кенгашларга партиямиздан жуда оз вакиллар сайланишди. Шу сабоқдан хулоса чиқариб, ҳозир партиянинг вилоят, шаҳар, туман бўлимларини мустаҳкамлаш, уларни янги сафдошларимиз ҳисобига ҳозирги замон руҳида ижтимоий ҳаракатчан, фаол қилиш чораларини кўрмоқдамиз. Партиямизнинг вакиллари маҳаллий кенгашларда фаол иш олиб бормасалар, жойларда партиянинг обрў-эътибори, нуфузини кўтариш мумкин эмас.

**«Халқ сўзи» мухбири
Абдунаби ҲАЙДАРОВ
ёзиб олди.**

---



## Ўзбекистон—АҚШ

# СТРАТЕГИК ШЕРИК — ИШОНЧЛИ ШЕРИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бевосита ташрифнинг муҳим амалий натижаларига тўхталадиган бўлсак, сафар мобайнида олтита икки томонлама ҳужжат тасдиқланди. Энг асосийси — «Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация» имзоланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Декларация сиёсий соҳадаги муносабатларимизни ривожлантиришда улкан аҳамият касб этади.

Жумладан, ушбу ҳужжат асосида мамлакатларимиз ҳар икки давлатнинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, демократик қадриятларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиқлик, шунингдек, ўз зиммасидаги халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ равишда икки томонлама ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ўзаро стратегик шерикликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Сиёсий соҳа ва демократиялаштириш жабҳасида бундай ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш ҳар икки томон зиммасига муайян вазифаларни юклайди, албатта. Хусусан, мамлакатимиз ўзининг халқаро шартномалар қоидалари ва миллий қонунчилигимиз талабларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда жамиятимизни сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда фаол демократиялаштириш ва эркинлаштириш жараёнини давом эттириш истагида эканини ва бу борада истиқболли ислоҳотларга шайлигини тасдиқлади.

Қўшма Штатлар эса, ўз навбатида, АҚШ қонунчилигига мувофиқ равишда давлатимиз ва жамиятимизда бир қатор устувор соҳалар бўйича демократик ислоҳотларни амалга оширишда мунтазам равишда маслаҳат ва кўмак бериб боришни ўз зиммасига олди.

Ушбу Декларация бўйича мамлакатларимиз сиёсий жабҳада шериклик ва ҳамкорлик қиладиган устувор соҳалар асосан қуйидагилардан иборат:

1) юртимизда қонун устуворлиги, бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимига асосланган дунёвий давлат негизини мустаҳкамлаш ҳамда кучли ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш;

2) халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ жамиятимизда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

3) демократик ва сиёсий тузилмаларнинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини янада ошириш, том маънода кўппартияли тизимни яратиш, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини юксалтириш, эркин ва адолатли сайловлар, сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги ва уларни ифода этиш эркинлигини, шунингдек, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш;

4) нодавлат тузилмаларни, шу жумладан, ноҳукумат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, мустақил оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

5) давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши конституциявий принципининг амалга оширилишини таъминлаш, қонун ижодкорлиги жараёнини сифат жиҳатидан яхшилаш ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функциясини кучайтириш масалаларига, жумладан, эркин ва кўппартияли таркибда сайланадиган икки палатали қонун чиқарувчи органни таъсис этиш йўли билан алоҳида эътибор қаратиш;

6) суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришни кучайтириш ва давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи сифатида тегишли барча ваколатларга эга бўладиган судларнинг мустақиллигини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш;

7) ижро ҳокимияти органлари ва маъмурий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

8) инсон ҳуқуқлари масалалари, жумладан, инсоннинг асосий эркинликларига амал қилиш ва уларни ҳимоялаш, шунингдек, демократик ютуқларни халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлаш борасида ўзаро шериклик ва ҳамкорликни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, ташрифнинг энг асосий ютуқларидан бири — ана шу сиёсий Декларация асосида АҚШ Ўзбекистонни стратегик шерик сифатида эътироф этганидир.

Кези келганда, мамлакатимиз раҳбарининг мазкур олий даражадаги ташрифи жаҳон оммавий ахборот воситаларининг алоҳида диққат марказида бўлганини қайд этиш ўринлидир. Жумладан, «Вашингтон Таймс» газетаси: «Ўзбекистон бутун минтақанинг иқтисодий барқарорлигида муҳим аҳамият касб этувчи мамлакатдир» деб ёзган бўлса, «Вашингтон пост»: «2001 йил 11 сентябрь кунидаги мудҳиш воқеалардан сўнг Ўзбекистон АҚШга ўз ҳарбий аэродромидан гуманитар мақсадларда фойдаланишга рухсат бериб, ўзининг терроризмга қарши курашда қатъиятли эканини кўрсатди», дея қайд этган.

Шунингдек, Би-Би-Си тарқатган хабарда айтилдики: «Америка расмий шахсларининг таъкидлашларича, Жорж Буш Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш борасидаги муҳим шерик деб ҳисоблайди».

«Время МН» ушбу ташриф АҚШ Президенти Жорж Буш таклифи бўйича ташкил этилганига эътиборни қаратиб: «Каримов ўртаосиёлик лидерлар ичидан биринчи бўлиб Вашингтонга таклиф этилишга сазовор бўлди», дейди.

Бир қатор нуфузли ахборот агентликлари, газеталар, телекомпаниялар ва риадоканаллар, хусусан, «Christian Science Monitor», «Стандарт Уикли» ҳафтаномаси ташрифнинг сиёсий аҳамиятини таҳлил этса, «Правда РУ» ва бошқалар уни хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги алоқалар ривожи нуқтаи назаридан шарҳлайди.

«Рейтер», «Немис тўлқини» эса иқтисодий ҳамкорлик борасида эришилган натижаларига кўпроқ эътибор қаратганини кузатиш мумкин. Масалан, «Рейтер» хабарида: «АҚШ Эксимбанки Ўзбекистонга 55 миллион АҚШ доллари ҳажмида кредит ажратадиган бўлди», дейилади.

«Уолл Стрит Джорнэл» сафар чоғида имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида бундай ёзади: «Давлат котиби Колин Пауэл Президент Ислом Каримовнинг Вашингтонга ташрифи давомида имзоланган янги битимлар ҳар икки мамлакатнинг кенг ва узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш борасидаги интилишларига далил бўла олади», деб таъкидлади.

«Независимая газета» сафар натижаларини таҳлил этиб: «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифидан тобора яхшиланиб бораётган ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштиришга катта умид боғланганди ва сафар натижалари шу умидлар рўёбга чиққанини тўла тасдиқлади», деб эътироф этади. «Коммерсант» эса ташрифнинг «энг муҳим натижаси шундаки, Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиёдаги асосий стратегик шериги сифатида тан олинди», дейди.

Умуман, сафар якунларини хулосалайдиган бўлсак, сиёсий соҳада эришилган қуйидаги натижаларни санаш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларида туб бурилиш ясаган мазкур ташриф юртимиз ташқи сиёсати, ўн йиллик дипломатик алоқаларимизнинг узвий якуни бўлди. Иккинчидан, Ўзбекистон ва АҚШ стратегик шерикларга айланди. Учинчидан, АҚШ билан стратегик шериклик мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузини янада оширади.

Тўртинчидан, бундай стратегик шериклик натижасида АҚШнинг дўстлари Ўзбекистоннинг дўстларига айланди. Қўшма Штатларнинг ҳамкорлари ҳисобланган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар эндиликда Ўзбекистоннинг ҳам ишончли шериклари сифатида унинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга интиладилар.

Бешинчидан, АҚШ Марказий Осиёдаги тинчлик ва сиёсий барқарорликнинг кафили, халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги энг яқин ҳамкордир.

Олтинчидан, АҚШ стратегик шерик сифатида Ўзбекистон билан бирга ва бирдам бўлади ҳамда унинг ислоҳотларини янада кенг ва фаол қўллаб-қувватлайди.

Иқтисодий соҳада ҳам бир қатор салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, Президентимизнинг Вашингтондаги олиймақом учрашувлари чоғида Қўшма Штатлар иқтисодий ислоҳотларимизни чуқурлаштириш борасида кўмаклашиши ҳақида сўз борди.

АҚШ ҳукумати жорий йилда мамлакатимизга ёрдам тариқасида 160 миллион доллар маблағ ажратиши айтилди. Жаҳон банки эса 350 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит берадиган бўлди.

«Ньюмонт-майнинг» компанияси Ангренда ўзининг иккинчи лойиҳасини амалга ошириши ҳақида келишиб олинди. Маълумки, мазкур компания иштирокида юртимизда ўтган етти йил ичида 83 тонна олтин ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг америкалик ишбилармонлар билан учрашуви ҳам келгусида иқтисодий ҳамкорлигимизнинг янада чуқурлашувида муҳим омил бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ўзаро муносабатларнинг бошқа бир муҳим жабҳаси — хавфсизлик ва мудофаа соҳасида ҳам талай ютуқларга эришилди.Аввало, АҚШ Ўзбекистонда тинчлик ва тараққиёт кафилига айланди. Истиқболда давлат чегараларини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик ривожланадиган бўлди. АҚШ халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, қурол-яроғ ва оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасида ҳам кўмаклашади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик кенгаяди. Қолаверса, АҚШ Ўзбекистон қуролли кучлари ислоҳотига кўмаклашади. Хусусан, шу мақсадда жорий йилда 43 миллион доллар маблағ ажратиладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз расмий ташрифининг энг катта самараси — Ўзбекистон жаҳон майдонида Америка Қўшма Штатларидек улкан салоҳиятли ҳамкори билан ўзаро муносабатларни мутлақо янги, юксак поғоналарда давом эттириш имконига эга бўлди. АҚШ юртимизни стратегик шерик сифатида тан олгани эса дўст ва ҳамкор мамлакат томонидан истиқлол йилларидаги ўзига хос ва ўзига мос мустақил йўлимизнинг, ички ва ташқи сиёсатимизнинг тўғрилиги эътироф этилгани демакдир.

**Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлар доктори.**

---



# НИШОНА

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари Малик Каримовнинг қувончи чексиз: плёнка остига экилган чигитлар қийғос униб чиқди.

— Бу йил мавжуд 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнерден пахта етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди фермер. — Бу ниятимиз, албатта, ушалади. Чунки март ойидаёқ тўлиқ гектарлар яратишга эришдик. Бунақаси илгари бўлмаган эди.

Деҳқон меҳри ва қуёш тафтидан баҳраманд бўлган ғўза эса кунда бир яшнамоқда.

*СУРАТДА: фермер Малик Каримов.*

**Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.**

---

# ИЖРО НАЗОРАТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун жорий йилнинг 1 январидан амал қилиб келмоқда.

Қонунга биноан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимлари, туман ва шаҳар бўлинмаларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилди.

Сир эмаски, кейинги йилларда суд ҳукмлари, қарорлари, ажримларини ижро этиш муайян қийинчиликлар билан амалга оширилар, хусусан, иқтисодий низолар бўйича чиқарилган суд қарорлари ижросининг амалга ошмаган ҳолатлари кўп эди. Эндиликда ушбу қонуннинг амалга киритилиши, суд ижрочиларининг алоҳида бир тизимга бирлаштирилиб, уларга махсус ваколатларнинг берилиши, мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида ўзига хос ижобий ўзгариш ясаб, ижро ишида иштирок этувчи шахсларнинг, ижро органи ходимларининг масъулиятини оширди.

Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ органлари, банклар, кредит ташкилотлари, ўзга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ижро этилиши белгиланган. Лекин бу органлар ҳамда жисмоний шахслар мажбурий ижро органлари ҳисобланмайди.

Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳри бўйича қонун амалга киритилган кундан бошлаб март ойининг ярмигача бўлган даврда қонуний кучга кирган суд қарорларига асосан қарздор шахслардан коммунал хизмати кўрсатиш корхоналари фойдасига газ, электр энергияси, сув тўловларини ундириш бўйича уч мингга яқин ижро ҳужжати туман ижрочилари бўлимларига келиб тушди.

— Ушбу ҳолатлар юзасидан қонунда белгиланган муддатларда тегишли ижро ҳаракатлари амалга оширилди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда департаментнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими бошлиғи Ҳамроқул Бойзоқов. — Натижада 68,5 миллион сўмдан зиёд тўловлар қарздорлардан нақд ундирилди. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига 36,4 миллион сўмдан ортиқ 334 та ижро ҳужжати қарздорларнинг ойлик маошидан ундириш учун жўнатилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.**

---

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 2 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 372,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 992,39 |
| 1 Дания кронаси | 81,83 |
| 1 БАА дирхами | 189,51 |
| 1 АҚШ доллари | 696,02 |
| 1 Миср фунти | 150,65 |
| 1 Исландия кронаси | 6,97 |
| 1 Канада доллари | 436,38 |
| 1 Хитой юани | 84,09 |
| 1 Малайзия ринггити | 183,18 |
| 1 Польша злотийси | 169,10 |
| 1 СДР | 867,81 |
| 1000 Туркия лираси | 0,52 |
| 1 Швейцария франки | 415,61 |
| 1 ЕВРО | 607,83 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,25 |
| 1 Япония иенаси | 52,27 |
| 1 Россия рубли | 22,37 |
| 1 Украина гривнаси | 130,78 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

